

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ



Олмалик қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик касб-хунар коллежида ташкил этилган семинарда шаҳардаги коллежлар ва академик лицей ўқитувчилари иштирок этди.

Таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этишнинг самарали усуллари мавзuida ўтган семинарда дарсларни қизиқарли усулда олиб бориш, ўқувчиларнинг эътиборини жалб қилиш маҳорати хусусида фикр алмашилди. Шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари, ўқувчилар фикрларини эркин баён этишлари учун шароит яратиш ҳақида сўз борди. Семинар сўнггида иштирокчилар инглиз, она тили ва адабиёт фанларидан очик дарсларда бўлдилар.

Очик дарсни "Ten time-saving suggestions" яъни вақтдан унумли фойдаланиш ҳақида 10 маслаҳат мавзuida ўтказаямиз, — деди инглиз тили ўқитувчиси Нодир Тошбоев. — Дарсни ташкил этишда вақт муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи уй вазибаларини тегишли, ҳар бир болага алоҳида ёндошган ҳолда дарс мазмунини тўлиқ етказиб беришга улғуриши керак. Бундан ташқари, саволларга жавоб бериш ҳамда турли видеонамоишлар учун ҳам вақт ажратиши лозим. "Мухаммад Юсуф ижоди", "Ахборот ишора белгиларининг қўлланиш тартиби" каби мавзуларда ўтган очик дарслар ҳам қатнашчиларга манзур бўлди.

Семинар қизиқарли савол-жавоб ва мунозара тарзида ўтди.

Кобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

Сўз — халқаро кузатувчиларга

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАРГА ТўЛА ЖАВОБ БЕРАДИГАН САЙЛОВ ТИЗИМИ ЯРАТИЛГАН

Шу йилнинг 21 декабрь кунини бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайловларни кузатиш жараёнида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан уч юздан зиёд вакил иштирок этиши кутилмоқда. ЎЗА мухбирлари мамлакатимизга ташриф буюрган халқаро кузатувчиларнинг айримлари билан учрашиб, уларнинг таассуротлари, сайлов жараёнлари тўғрисидаги фикрлари билан қизикди.



Йошико КАБАБАТА,
Токио қишлоқ
хўжалиги ва
технологиялар
университети
профессори (Япония):

Ўзбекистон Республикаси сайловига оид барча қонун ҳужжатлари, уларга киритилган ўзгаришлар билан танишиб, чикдим. Мамлакатингизда фуқаролар сайлов ҳуқуқининг амалда ижросини таъминлаш мақсадида халқаро талабларга тўла жавоб бера оладиган сайлов тизими яратилган.

Халқингиз сайлов руҳи билан яшаётганининг гувоҳи бўлдим. Оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган мақолалар, телерадио каналлари орқали намойиш этилаётган аксарият кўрсатув ва эшитиришлар сайловга бағишланган, кўчалар ва биноларда депутатликка номзодларнинг чиқишларини, уларнинг сайловолди ташвиқотлари ва бахс-мунозараларини кўрдим. Бу жараён гўяки қизғин ва фаол ўтаётгани сайловчиларнинг овоз бериш жараёнида муносиб номзодни танлаш имкониятини кенгайтиради.

Депутатликка номзодлар ичида хотин-қизлар вакилларининг кўпчилиги мамлакатингиз сайлов тизимидаги ютуқлардан дидир. Ўзбекистон қонунчилиги мавзусида, Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органлари депутатлигига номзодлар орасида хотин-қизлар учун 30 фоиз квота белгилангани мамлакатингизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг амалии самарасидир. Ўзбекистонда бу борада эришилган ютуқларга ҳавас қилса арзийди.

Евгений СЛОБОДА,
МДХ Ижроия қўмитаси бўлим бошлиғи:

— Миссиямиз вакиллари шу кунгача Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги сайлов участкалари билан танишди. Барча сайлов участкаларида сайловга юксак даражада тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўлдим.

Ғона ва Самарқанд вилоятларидаги сайлов участкалари билан танишди. Барча сайлов участкаларида сайловга юксак даражада тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўлдим.

Ўзбекистонда сайловларни демократик руҳда ўтказиш учун жуда кўп иш қилинган. МДХ кузатувчилар миссияси Ўзбекистонда ўтган олдинги парламент сайловларида ҳам қатнашган. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон миллий сайлов қонунчилиги такомиллашиб, энг юқори демократик талабларга тўлиқ жавоб беради. Фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлигини таъминлаш кафолатлари кучайтирилган.

Борис ҚАНДОВ (АҚШ):
— Ўзбекистон мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритди. Халқ фаровонлиги муттасил ошиб, мамлакатингизнинг халқаро майдондаги нуфузи тобора юксалиб бормоқда. Бу Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлининг гўяки тўғри ва ҳаётий эканидан далolat беради. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар таҳсинга сазовор.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигига оид ҳужжатлар билан танишиб, бу борадаги барча саволларимга тўлиқ жавоб топдим. Мамлакатингизда сайлов тизими ва уни ўтказиш жараёни тобора такомиллашиб бораётгани, қонун устуворлигини таъминлаш ва адолат тамойилларига риоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар юксак самаралар бераётгани алоҳида эътиборга лойик. Ўзбекистонда сайловчилар учун барча қулай шарт-шароит яратилган. Депутатликка номзодлар орасида ёш авлод вакиллари кўпчилиги диққатини тортди. Бу мамлакатингизда ёшларга қаратилаётган улкан эътибордан далolat дид.

ЎЗА мухбирлари
Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА
ёзиб олди.

Маънавият

Инсоният яралибдики, комилликка интилиб яшайди. Бу — улуг аждодларимиз, ота-боболаримиздан қолган эзгу фазилат. Зеро, бу дунёни бруглиққа буркаб, жамиятнинг гуллаб-яшнашини таъминловчи ҳар томонлама етук комил инсондир.

БУЮК АЛЛОМАЛАР КАМОЛОТ ҲАҚИДА...

Бу борада халқимизнинг айтса аризгулик беазир, бетакрор бой тарихий, маънавий-маърифий, маданий мероси, номи дунёни забт этган аждодлари, алломалари бор. Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг "Кимки Ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашариёт ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак"

деган сўзлари фикримиз далили. Зеро, Соҳибқирон бобомиз, таъбир жоиз бўлса, комиллик шоҳсупасига давogarларнинг биринчисидир. Қайсики, у туркий халқнинг бош бўғини — ўзбекларнинг маънавий салоҳияти, жисмоний куч-қудратини намойиш эта олди. У илм аҳлини, адабиёт, шеърини севган, эъзозлаган: "Китоб — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир..."

(Давоми 4-бетда).

Тадбиркорлик

КОРХОНАНИНГ ЎЗ ДЎКОНЛАРИ Бўлади

Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, табиий шароит ва хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланишда давлатимиз раҳбарининг "Тошкент вилояти саноат саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори муҳим дастурийлашма вазифасини ўтамоқда.

Хусусан, Паркент тумани Номдак қишлоғидаги сутни қайта ишлашга ихтисослашган "Бахт Сут" масъулия-чекланган жамиятида Исроил давлатидан келтирилган ускуналар ёрдамида сифатли сут маҳсулотлари тайёрланмоқда. Корхона кунинга бир тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, 10 хилдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бу ерда 40 га яқин киши муҳим иш билан таъминланган.

Бу йил корхонада пиш-лоқ, бринза маҳсулотлари бўлими ишга туширилди. Махсус ускуналарда тайёрланаётган 100-120 килограмм маҳсулот сифати ва мазаси билан харидорларга манзур бўлмоқда.

— Бу маҳсулотларни ўзининг фермер хўжалигидан етиштирилаётган сутни қайта ишлаб тайёрлаётганимиз, — дейди корхона раҳбари Мавлон Ҳожиев.

Корхона қошидаги фермер хўжалигида 450 бош қорамол бўлиб, шундан 170 боши соғин ситирлардидир.

— Икки йилдан буён шу хўжалик фермасида ишлабман, — дейди Зулхумор Мамарасулова. — Бу ерда қулай шароит яратилгани боис эрталаб ва кечкурун 20 бош ситирни соғишга улғурайман.

Мавлон Ҳожиев чет давлатлардан яна 60 бош зотли қорамол олиб келишни режалаб қўйди. Бундан ташқари, қўшимча ускуналар олиб келиб, маҳсулот турини янада кўпайтириш харақатида. Шунингдек, келгусида корхона маҳсулотларини сотиш учун жойларда дўконлар очиш ниятида. Демак, яна кўплаб янги иш уринлари яратилади.

Мукаддас ИСРОИЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Амнистия жиноят содир этган шахсларга давлат томонидан кўрсатиладиган инсонпарварликнинг юксак намунаси бўлиб, қамоқдагилар жиноий жавобгарлик ва жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилинади, жазо муддати қамалтирилади ёхуд судланганлик ҳола-

ти муддатидан илгари олиб ташланади. Бундан асосий мақсад, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, адабиш жиноят кўчасига кириб қолган шахсларни гуноҳидан ўтиш орқали жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялашдир.

Хусусан, республика Президенти тақдимномасига асосан Олий Мажлис Сенати қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигини тўғрисида"ги қарор давлатимизнинг ушбу йўналишда олиб бораётган сиёсатининг навбатдаги амалии тасдиғи бўлди. Ушбу қарор талабига мувофиқ биринчи навбатда аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлат фуқаролари, ногирон ва оғир касалликка чалинган шахслар жазодан озод қилинади.

Қарорнинг 2-бандида жазо тури ва миқдоридан қатъи назар, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, қасддан ижтимоий ҳаффи қатта бўлмаган ёки унга оғир бўлмаган жиноят содир этгани учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилини-

ши белгиланган. 3-бандга асосан жиноятнинг оғирлик даражаси ва тайинланган жазо миқдоридан қатъи назар, озодликдан маҳрум этилиб, амнистия тўғрисидаги қарор эълон қилинган кунга қадар икки йилга оидан кўп бўлмаган қамок муддати қолган маҳкумлар жазодан озод қилинади. Ушбу банд жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдир-тиш жинояти содир этган маҳкумларга нисбатан қўлланилмайди.

Қарорда билиб-билмай жиноятга қўл урган, кейинчалик қилмишидан астойдил пушаймон бўлиб, тузал-лиш йўлига қатъий ўтган шахсларни озод этишга ҳам алоҳида эътибор берилган. Чунончи, тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иш-тироқи, улар таркибида тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этгани учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилинган ва тузалиш йўли-

га қатъий ўтган маҳкумларга нисбатан МХХ ва ИИБ ва-зирлигининг ҳулоаси, маҳкумнинг чин қилгилдан пушаймонлиги тўғрисидаги ёзма аризаси, жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг маҳкумнинг амалда пушаймон бўлгани тўғрисидаги ҳулоаси ва маҳкумнинг яқин қариндошлари ҳамда унинг яшаш жойидаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қар-шиллик хати бўлган тақдир-дагина амнистия тўғрисида-ги қарорнинг тўртинчи бан-ди қўлланилиши мумкин.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, гарчи жа-зодан тўлиқ озод этилма-сада, қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилин-ганларнинг ўталмай қолган жазо муддатини учдан бир қисмига, қасддан содир эт-ган жинояти учун ўн йил-дан ортиқ муддатга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддатини тўртдан бир қисмига қис-

(Давоми 3-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари



турмуш кечирамиз, деган юртдошларимизни "Иқтисодиёт тараққиёти — халқ фаровонлигининг асоси!" шiori остида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларда партия-миз номзодларига овоз бериб, дастурий мақсадларимизни амалга оширишга ҳисса қўишга қаҳирамиз.

• Партиямиз мамлакат иқтисодиёти-ни юксалтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш тақлифи билан чиқмоқда. Шундай экан, иқти-содий салоҳият юк-салиб, фаровон



мияти ҳамда ҳуқуқий демократик дав-латни барпо этиш, иқтисодиёт ва ижти-моий соҳаларда инновацион тараққиёт-ни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиклиги ҳамда жамият-га ҳисобдорлигини оширишни асосий вазифамиз, деб биламиз.

• Сайлов кам-паниясида пар-тиямиз "Адолат — ҳаётийимизнинг бош мезони, адо-лат — ҳар бир ин-сон учун" деган эзгу гоя билан иштирок этар экан, адолатли фуқаролик жа-мийи



римизни, халқимизнинг урф-одат ва аъёналарини, бой тарихий мероси-мизни асраб-авайлаш ва бойитишни, миллий тикланиш гоясини кенг тар-ғиб этиш ва аҳоли онига сингдириш-ни, ушбу гоя асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчилик фаолиятига сафарбар этишни асосий мақсад, деб биламиз.

• Мамла-катимиз мил-лий манфа-атларини ҳи-мо-я қилишни, маънавий қадриятла-ри



монидан манзилли ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд оилалар, доимий иш жойи ва ма-ошга эга бўлмаган ёлғизлар ишчи-лар, пенсионерлар, ёлғизлар ман-фаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилганимиз. Бу борада сайловолди дастуриимизда аниқ вазифалар бел-гилаб олинган.

• Биз ижти-моий адолат ва ижтимоий тенглик каби халқ демократияси тамо-йилларига амал қилган ҳолда давлат ва жамият то-

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ҚУДРАТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА



Ўзбекистон иқтисодиёти мустақиллик йилларида бутунлай янги мазмун касб этди. Хусусан, сўнгги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳар йили 8 фоиздан зиёдроқ ўсиб бораётгани нуфузли халқаро молия ташкилотлари, таниқли экспертлар томонидан эътироф этилмоқда. Бу Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан муносиб ўрин олишини таъминлаш йўлидаги жиддий қадамдир.

Иқтисодиётнинг бундай юқори ўсиш суръатларини сақлашда, халқимиз фаровонлигини оширишда, мамлакатнинг моддий ва маънавий бойлиқларини яратиш ҳамда кўпайтиришда, айниқса, партияимизнинг асосий таянчи — ишбилармонлар, фермерлар, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимларининг ҳиссаси салмоқлидир. Статистика маълумотларига кўра, мамлакатимизда 1996-2014 йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун солиқ ставкалари 38 фоиздан 5 фоизгача, яъни етти баравар пасайтирилди. Бунинг самараси ўлароқ, айни пайтда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг улуши 55 фоиздан ошди.

Партияимиз сайловолди платформасида янада қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш, орқали иқтисодиётга киритилган хусусий инвестициялар жадал ўсишини таъминлаш вазифаси белгилаб қўйилган. Партия реал иқтисодиёт соҳасида, биринч навбатда, саноатда ва унинг муҳим тармоқларида хусусий мулкнинг етакчи ўрин эгаллаши учун иқтисодиётнинг барча тармоқларига хусусий инвестицияларни жалб этишга ҳаракат қилади. Биз, шунингдек, янги инвестициявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлашни бу соҳадаги энг муҳим вазифамиз деб ҳисоблаймиз.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини, айниқса, саноатнинг юқори технологияларга асосланган қайта ишлайдиган тармоқларига жалб этишни рағбатлантириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги компанияларнинг ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятини енгиллаштириш керак, деб ҳисоблаймиз. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини банклар томонидан кредитлашнинг кенгайтириш тақлиф этилмоқда.

Партия хусусий мулкни ривожлантириш йўлида бартараф этилиши лозим бўлган говлар ва бюрократик тўсиқлар ҳали ҳам мавжуд, деб ҳисоблайди. Иқтисодиётнинг очилгини таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини ошириш борасида алоҳида давлат дастурлари ва чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ, деб билади.

Партия юртимизда бизнес юритиш билан боғлиқ барча тартиб-тамоилларни янада либераллаштириш, содда далаштириш учун ҳаракат қилади. Мулк шаклидан қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектлари, хом ашё манбалари ва моддий ресурслардан фойдаланиш учун тенг шартлар яратиш, улар бўйича бозор нархларини шакллантиришнинг тақомиллаштириш лозим. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қурилиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаштиришга рухсат олиш мuddатлари ва ҳаражатларини янада қисқартириш, ушбу жараёнларни содда далаштириш чораларини кўриш зарур.

Муҳтасар айтганда, партияимиз мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш тақлифи билан чиқмоқда. Шундай экан, мамлакатимиз иқтисодиёти юксалиб, фаровон турмуш кечирамиз, деган юртдошларимизни "Иқтисодиёт тараққиёти — халқ фаровонлигининг асоси!" шiori остида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловда кураш олиб бораётган партияимиз номзодларига овоз бериб, юқоридаги дастурий мақсадларимизни амалга оширишга ҳисса қўшишга чақирамиз.

Собир ҲАСАНОВ,
Виктор ПАК,
Ёқутхон МҲМИНОВА,
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзолари.

ҲАЁТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ



Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси кучли фуқаролик жамияти куришда бундан кейин ҳам давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши тарафдори бўлади. Албатта, партияимиз давлат бюджетининг 60 фоизи атрофидаги маблағ ижтимоий соҳага йўналтирилиши сақлаб қолинишига ҳаракат қилади. Бу билан ўз электоратимиз саналган юқори малакали мутахассислар, бюджет соҳаси ходимлари, педагоглар, соғлиқни сақлаш, муҳандис-техник ва илф-фан вакиллари, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилинишига интилади.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир фуқаронинг Бош Қомусимизда белгиланган ижтимоий ҳуқуқлари, хусусан, уларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, таълим олиш, меҳнат қилиш ва шу каби бошқа ҳуқуқлари тўла таъминлишини тарафдоримиз. Албатта, бу ўринда давлатнинг кучли ижтимоий сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда, турли ижтимоий масалаларни ҳал этишда кучли фуқаролик жамиятининг муҳим омили саналган фуқароларимиз ҳамда жамоат бирлаларининг фаол иштирокини таъминлашни устувор вазифа, деб биламиз.

Партияимиз сайлов кампаниясида "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун" деган эзгу гоя билан иштирок этар экан, адолатли фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда инновацион тараққиётни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очилгини ҳамда жамиятга ҳисобдорлигини оширишни ўзининг асосий вазифаси қилиб белгилаб олган.

Мамлакатимизнинг барча соҳаларида эришилаётган утуқларни аёллрсиз, уларнинг юксак салоҳиятисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Дарҳақиқат, бугун юртимизда хотин-қизларга катта ишонч билдирилмоқда. Бу ҳақда гапирганда, аввало, минглаб аёллар сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимият ва вакиллик органларида, нодавлат ташкилотлар тизимида самарали фаолият юритаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Партияимиз ҳам ўз фаолияти давомида хотин-қизлар манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратмоқда. "Аёллар қаноти" ўтказиб келаётган "Партияимиз оқила аёли" кўрик-танлови яхши аънамага айланди. Бундан қўзланган мақсад, авваламбор, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол, ташаббускорлиги, фидойилиги, оқила ва донолиги билан бошқаларга ўрнак бўла оладиган ибратли аёлларни аниқлаш, уларнинг етакчилик қобилиятларини янада ривожлантириш ҳамда салоҳиятидан партия ташкилотлари фаолиятида ўринли ва самарали фойдаланишдир.

Партияимиз хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги мақо-

мини янада ошириш, иқтидорли ҳамда юқори малакали хотин-қизларни давлат бошқаруви ва сиёсий ҳаётга фаол жалб этишни доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу борада устувор вазифаларимиз скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғуруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини изчил тақомиллаштириб бориш, хотин-қизларнинг таълим олиш, касбга тайёрлаш ва мослашувини таъминлайдиган дастурларни қўллаб-қувватлаш, оилани режалаштириш масаласида маслаҳат бериш ва амалий ёрдам кўрсатиш, болалар тарбиясида имтиёзлар яратиш, мамлакатимизнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг тўлиқ ва тенг иштирокини таъминлаш, шунингдек, давлат органларининг барча бўғинларида қарор қабул қилиш жараёнидаги иштирокини қафолатлашдан иборат.

Жойларда ўтаётган сайловолди учрашувларда депутатликка номзодларга сайловчилар ўзларининг ҳудудда учраётган айрим камчиликлар, муаммоларни долзарб масалалар ҳал этилишини сўраб тақлифлар киритмоқдалар.

Жумладан, айрим ҳудудлардаги хонадонларга газ босими яхши етиб бормаётгани, электр таъминотида узиллишлар бўлаётгани, ички йўллар таъмирталаблгига қайд этилмоқда.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига номзодлар ўзларининг сайловолди дастурларида шу каби ижтимоий масалаларни ҳал этиш белгиланган ва депутат бўлиб сайлансалар шу муаммолар билан шуғулланишларини айтдилар.

Биз эртанги сайловларда барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларида дастурий мақсад ва вазифаларимизни самарали татбиқ этиш имконини берадиган даражада кўп ўрин эгаллашни бош мақсад қилганмиз. Бу авваламбор салоҳияти, билими, зеҳни, тажрибаси, жойлардаги долзарб масалаларга аниқ ечимлар тақлиф эта оладиган шахслардир. Шунинг учун бўлажа сайловларда бизнинг партияимиз вакиллари овоз беришга чақирамиз. Фақат сизларнинг фаол иштирокидан орқали биз кучли депутатлик корпусини шакллантира оламиз.

Зоҳида СУВОНОВА,
Феруза ЙЎЛДОШЕВА,
Бахтиёр КОСИМОВ,
"Адолат" социал-демократик партияси аъзолари.

ЭЛЕКТОРАТ ИШОНЧНИ ОҚЛАШ МАСЪУЛИЯТИ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар кунини яқинлашгани сари сиёсий партиялар ҳамда депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқот ишлари янада изчиллаштиришмоқда. Миллий қонунчилигимиз асосида яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда сайловолди дастурларини сайловчилар орасида кенг тарғиб этиш сайлов жараёнида муваффақиятга эришишда муҳим омил бўлади.

Бугунги сайловчининг дунёқараши, сиёсий-ҳуқуқий билими ва маданияти юксак, сиёсий партиялар илгари сураётган мақсад-ғоялар, уларнинг амалий ишлари билан яқиндан таниш, уларни қуруқ ваъдалар, баландпарвоз гаплар билан ишонтириб бўлмайди. Шундай экан, сайловчи ҳузурига аниқ мақсадлар, аҳоли ҳаёти ва турмуш тарзи, интилиш ва хоҳишларига мос вазифалар билан чиқиш керак бўлади.

Партияимиздан парламент куйи палатаси ва маҳаллий кенгашларга номзоди кўрсатилган вакилларимиз шундай долзарб, устувор, ҳаётга яқин бўлган партиявий мақсадларни амалга оширишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Айни қунларда улар жойларда бўлиб, сайловчилар билан юзма-юз мулоқот қилиб, фуқароларимизни партия позицияси, сайловолди платформаси ҳамда ўз режалари билан кенг-кўриқ таништириб, тарғибот ишларини кучайтиришмоқда.

Сайловлар сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни, аҳоли ўртасидаги обрўини белгилаб беради. Ўтган давр мобайнида сайловчилар ишончини амалий ишларимиз билан оқлаган бўлсаккина, келгуси сайловларда юқори натижаларга эриша оламиз.

Шундан келиб чиққан ҳолда, депутатликка номзодлар авваламбор, партиянинг ижтимоий қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, маънавий кадриятларимизни, халқимизнинг урф-одат ва аънаваларини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойиштиришга қўмаклашиш керак долзарб масалаларни ҳал этишни ўзининг бош вазифаси деб ҳисоблайди.

Бугунги кунда сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳити тобора ривожланиб, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки кенгаётган бир пайтда аниқ, ҳаётий ва аҳоли манфаатларига мос мақсад-вазифаларни ўз зиммасига олган партиянинг мавқеи мустаҳкам бўлади. Барча даражадаги вакиллик органларида муносиб ўрин эгаллаб, ўз мақсад-вазифаларини амалга ошириш имкониятлари кенгайди. Шу маънода сайловолди платформамизда белгиланган

янги гоя ва мақсадлар бугунги замон талабига мос, давр тақозо этаётган муҳим масалаларни ўз ичига олганлиги билан аҳамиятлидир. Олдимизда турган галдаги вазифа эса шу устувор, миллий манфаатларимиз билан ҳамоҳанг долзарб мақсад-вазифаларни амалга оширишдан иборат.

Партияимиз электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилдиган ҳар томонлама муносиб номзодларни илгари суриб, сайловолди ташвиқоти жараёнида самарали фаолият олиб бориб, сайловчиларнинг кўпроқ овозига эга бўлиш энг асосий вазифамиздир.

Партияимиз мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиб, маънавий кадриятларимизни, халқимизнинг урф-одат ва аънаваларини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойиштириш, миллий тикланиш, миллий қонунчилигимизни кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига синдиришни ҳамда ушбу гоя асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти куришга қаратилган яратувчанлик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этишни ўзининг асосий мақсади деб билади.

Партияимиз вилоятда миллий ҳунармандчилик қорхоналарини ривожлантириб, бўш иш ўринларини яратиш ҳамда миллий брендимизни жаҳон бозорларига олиб чиқишни янада кучайтириш, миллий маҳсулот ишлаб чиқаришда ёшларимиз салоҳиятидан кенг фойдаланиб, истеъдодларини намоён этишга имконият яратиш мақсад қилиб олган.

Сайловолди ташвиқоти даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловчиларни ўз келгуси фаолият дастурлари билан таништирадilar. Уларнинг сайловларда муваффақиятга эришиши кўп жиҳатдан сайловолди ташвиқотнинг нечоғлиқ фаол ва самарали ташкил этилганига боғлиқ. Табиийки, сайловчи номзодлар орасидан ўзи муносиб деб топганига овоз беради.

Хумоюнхон АЗИМОВ,
Мухтор ҲАЙДАРОВ,
Мунира ҚОРИЕВА,
Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзолари.

ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ



Ўзбекистон Халқ демократик партияси ижтимоий адолат ва ижтимоий тенглик каби халқ демократияси тамойилларига амал қилган ҳолда давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд, доимий иш жойи ва маошга эга бўлмаган ёлланма ишчилар, пенсионерлар, ногиронлар, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилган. Бу борада партияимиз сайловолди дастурида аниқ вазифалар белгилаб олинган.

Хусусан, аҳолининг шу қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш жараёнида электорат вакиллари учун микрокредитлаш ва микроолиялаш тизимини янада ривожлантириш, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий ёрдам бериш имкониятларини кенгайтиришнинг меъёрий асосларини ишлаб чиқишни янада тақомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Сайловолди дастури-мизда устувор вазифалар қаторида уй-жой, коммунал, транспорт ва коммуникация соҳасидаги масалалар билан боғлиқ вазифалар ҳам белгиланган. Аҳоли турмушини яхшилаш, жумладан, қишлоқларда замонавий лойиҳалар асосида уй-жойлар куришни изчил давом эттириш билан бирга, уй-жой коммунал хизматини тақомиллаштириш, бунинг учун муҳандислик ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришга дастуриимизда алоҳида ўрин берилган.

Мамлакатимизда 2009 йилдан бошлаб қишлоқларда тураржойлар куриш кўламини кенгайтириш мақсадида Давлат дастурига мувофиқ замонавий уй-жойлар курилмоқда. Буларнинг барчаси қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини тубдан яхшилаш ва шаҳар шартлиги яқинлаштиришга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, қишлоқ жойларда курилиш олиб бориш учун узок истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаштириш, санат-қурилиш ва муҳандислик-техник жиҳатдан қулай замонавий салоҳиятга эга база яратишга эришилди.

Биз давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг бир қисми ҳисобидан аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламлари учун ижтимоий уй-жой фондиди ташкил этишининг аниқ тамойилларини яратиш мақсад қилганмиз.

Ҳақиқатдан ҳам юртимизда сўнгги йилларда замонавий иншоотлар, тураржойлар, хизмат кўрсатиш объектлари курилиши одамларнинг турмуш тарзини, ҳаётга бўлган интилишини оширишга хизмат қилмоқда. Аммо, барпо этилаётган ана шу иншоотларда ногиронларнинг яшаши, улардан фойдаланиш имконияти олинмаган. Шуни ҳисобга олиб, аҳоли пунктлари, бино ва иншоотларни ногиронлар учун мослаштирган ҳолда лойиҳалаштиришнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш масаласини илгари сураямиз.

Шунингдек, дастури-мизда коммунал соҳада рақобат муҳитини яратиш, хизматлар сифатини яхшилаш билан боғлиқ долзарб масалалар ҳам акс этган. Коммунал соҳадаги ислохотлар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий инфратузилма билан таъминлашни яхшилашга хизмат қилади. Шу мақсадда кенг қўламли Дав-

лат дастурлари қабул қилинди.

Табиий газ, иссиқлик энергияси, ичимлик суви таъминотида давлат томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Аммо, шуни айтиб ўтиш керакки, қабул қилинган Давлат дастурларининг ушбу соҳага тегишли бандларининг меъёрий ҳамма жойда ҳам изчиллик билан таъминланмапти. Бунинг натижасида, қишлоқ жойларда электр таъминотининг узиллиши, газ босимининг камайиши, ичимлик суви таъминотининг яхши эмаслиги оқибатида айрим муаммолар юзга келмоқда.

Ушбу соҳани ривожлантириш, электоратимиз, умуман халқимизга уй-жой ва коммунал хизматлар мақбуллигини таъминлаш масалаларида партияимиз ўз олдига устувор вазифаларни белгилаб олган.

Жумладан, электр ва иссиқлик қуввати, газ таъминоти, ичимлик суви ва бошқаларга нарх ва тарифларни ўрнатилишининг иқтисодий асосланган аниқ мезонларини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки, аҳоли коммунал хизматларга белгиланган нархлардаги ҳар қандай ўзгаришларини, уларнинг сабабини тўлиқ билишлари лозим.

Партияимиз бу соҳага инвестицияларни жалб қилишни янада ривожлантириш ва шу орқали аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш тарафдоридир.

Партияимиз коммунал хизмат сифатини ошириш мақсадида хизматлар кўрсатишнинг арзон ва муқобил турларини ривожлантириш ва сайловолди дастурида асосий вазифалардан бири сифатида белгилаш. Уларни амалга ошириш орқали электр ва иссиқлик энергияси таъминотини яхшилашга эришилади.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларни мавжуд қонуний воситалар орқали амалга оширишга ҳаракат қилишимиз, уй-жой, коммунал соҳаларнинг қонуний базасини тақомиллаштиришга доир тизимли ва кенг қўламли чора-тадбирларни изчил давом эттиришимиз лозим. Партияимиз қуйи ташкилотлари, сайланма органлари ва аъзоларининг саъй-ҳаракати ҳамда мавжуд имкониятларини дастуриимизда баён этилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратамиз.

Сайлов кунини партияимиздан кўрсатилган номзодларга овоз бериш орқали кундалик яшаш шартинингиз билан бевоисита боғлиқ иқтисодий-ижтимоий, уй-жой, коммунал хизмат ва бошқа муҳим масалаларни ҳал этишга ҳисса қўшамиз.

Абдуҳаким АБДУЛЛАЕВ,
Исроил СУЛТОНОВ,
Гулчехра УТБОСАРОВА,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари.

Маънавият

Шунингдек, "Уламолар суҳбатиди бўл, пок, соф ниятли кишиларга таълим" дейилди. "Амир Темур ўғитлари"да. Дарҳақиқат, инсонни маънавий камолотга етакловчи омиллардан бири илму-одоб, ақл-фаросатга эга бўлишдир. Бу ҳақда ҳатто энг қадимий манбаларда, ҳусусан, "Авесто"да шундай дейилди: "Эй ақл, агар олдимда юрсанг, ҳар вақт очик кўз билан оққанга қара, оқамда юрсанг, албатта жисмига сингин". Алломаларимиздан Юсуф Хос Ҳожининг илму-маърифатга ундовчи сўзлари ҳамма замонларда ҳам одамларга ибрат бўлиб келган: "Билимини буюк, ўқувни улуг бил, Бу иккиси танланган бахтасини улуглайди. Заковат қаерда бўлса, улуглик бўлади, Билим кимда бўлса, буюклик олади". Шукримиз, тарихимиз пири комил инсонларга бой. Улуғларимиздан яна бири Абу Наср Форобий ҳикматлари ҳам ўқувчига улкан маънавий озиқ беради: "Инсон юксак камолотга эришув йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий билишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз ўзи интилаётган сўнгги даражадаги бахт-саодатга эришади". Ўзбек адабиётининг кўеши, шеърят султони Мир Алишер Навоийнинг нафақат илм-фан, балки

одоб-ахлоқ, меҳр-муруват каби инсоний фазилатларни тараннум этувчи асарлари, пурмаъно ҳикматлари шoir иҳодининг бош мавзуси комил инсон шарафига бағишланади: "Кишида барча ахлоқи ҳамида, Чу жамъ ўлди қўярлар отин эҳсон. Бири ондин саҳодур, бири муруват,

Ақллилик икки нарсадан иборат: ғазаб келганда ўзини босишдан ва бировдан кучли бўлганда уни кечиришдан. Бу ҳақда буюк аллома Жалолиддин Румийнинг шундай сўзлари бор: "Неъмат дунёни ер оқил, не ғам, Жохил афсусу надомат дамба-дам". Яъни, ақли киши дунё

Камтаринлик жомасин кий эрта кеч..." Устоз ўғитларида меҳнатсеварлик мудом улугланади: "Бошинг узра бир сават нондир магар, Сен эса нон изласан дарбадар". Ўз истеъдодини юзага чиқариш учун тинимсиз ўқиш, излаш ўрнига лояқатликка берилган кимса,

да келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим... Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатликларини, жисмоний камолотларини аниқладим. Келин бўлмиш насли насаби, одоб-ахлоқи, соғлом-бақуватлиги билан барча қуруллардан холи бўлсагина эл-юртга тўй-томоша бериб келин туширдим". Бу сатр-

да барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишни истардим". Бу эзгу ният ўтаётган ҳар бир йилимизга берилаётган номларда ҳам муҳассас: "Обод турмуш йили", "Мустаҳкам оила йили", "Соғлом бола йили" ва нихоят келаётган янги 2015 йилни "Кексаларни эъзозлаш йили" дея аталиши мамлакатимиздаги улуг инсонпарварлик таъомиллари 23 йилдан буён устуворлик касб этаётганидан далолат. Алломаларимизнинг аёллар, оналар ва кексаларнинг доноликлари ҳақидаги пурмаъно фикрларини ўқиб туриб мустақиллик йилларида қайта тикланган қадриятларимиз, ўзигимиз, аждодларимиз орзу-ниятлари, панд-насихатларига ҳамоҳанг, уйғун эканлигига амин бўламиз. Демак, ҳозирги давр одамлари, кексаю ёшларимизнинг маънавий камолоти ҳақида фахр-ғурур билан сўзлаш мумкин. Зеро, улар буюк алломаларимиз Амир Темур, Имом Бухорий, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Абу Наср Форобий, Имом Мотуридӣ, Абу али Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоӣ, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат ва замондош олим-фузаларимизнинг ўғитларини чўқур ўзлаштириб, камолга етмоқда.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

БҮЮК АЛЛОМАЛАР КАМОЛОТ ҲАҚИДА...

Булар гар йўқтур, инсон эрмас инсон... Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлгил, Ҳам жонларга моян дармон бўлгил". Дарҳақиқат, илм-маърифатли, маънавийли инсон эл дардига дармон бўла олади. Бундай ибратли фикрлар "Оталар сўзи" китобида ҳам бисёр. Уни топиб ўқиш, мағзини чақиш каттаю кичикка бирдек фойдали: "Сен емасанг ҳам авлодинг өсин! Утганлар захматла эккан бу бөгдан Мева ер келажак авлодларимиз... Ақл одамга ҳамиша ҳамдам ва дўст, молдунё эса ташлаб кетувчи бевафо меҳмон..."

неъматларига шукр қилиб яшайди. Жохиллар ношукр бўлиб, қачон қарасанг оҳвоҳ чекиб юрадилар... Шoir яна бир сўзида инсонни дархатга ўхшатиб, унинг илдизларини қалбдаги имонга, олий мақсадга қиёс этади: "Бир оғочдир – одамий, илдизи аҳд, Илдизингни эҳтиёт қил, айла ҳажд". Уни эҳтиёт қилмаслик, имон-эътиқодини асра-маслик ҳам жисмоний, ҳам маънавий дунёси барбод бўлишига олиб келади. Алломанинг бу каби ҳикматлари асрлар давомида инсониятга одамийлик сабоғини бериб келмоқда: "Илм истарсен, кибр тўнини еч,

дарҳақиқат бошида турган ризқини ҳам идрок этолмайди. Қисқаси, доноларимизнинг инсон маънавий камолоти ҳақидаги ибратли фикрлари гўё денгиздаги дуру жаҳоҳирларга ўхшайди. Уларнинг мағзини чақиш, амал қилиш албатта камолотга етаклайди. Бунинг учун тарбиянинг тамал тоши – Оилада қўйилишини ҳам унутмаслигини уқтиради алломалар: "Яхши қилиқ оқ сўт билан қирса, Улим келиб тутмагунча ўзгармайди", дейди Юсуф Хос Ҳожиб. Бу борада аллома, Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ҳам ибратли фикрлари бор: "Ўғилларим, на-бираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвиши-

ларни ўқиб туриб, давлатимиз раҳбарининг ёш оилалар, никоҳдан олдинги тиббий курик, соғлом она, соғлом бола масаласига алоҳида эътибор қаратаётгани беҳиз амалигини яна бир бор ҳис этиш мумкин: "Одобли, билимдон ва ақли, меҳнатсевар, имон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир, – дейилади "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида. – Шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавий кўргони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кун-

Саломат бўлинг

БЕЪЭТИБОРЛИК ОҚИБАТИ

Тун ярмида қизим кўнгли беҳуш бўлиб, кўз олди қоронғилашганни айтиди. Уни бироз юпатган бўлдим-да, дори ичириб, ухлатишга ҳаракат қилдим. Қизимнинг гапига эътибор бермай бепарволик қилганимни касалхонага келганимизда тушуниб етдим. Шифокор қизим овқатдан захарланганини айтиди. Захарланишга кечки овқат пайти дастурхонга тортган тузлама сабаб бўлган экан. – Аҳоли ўртасида овқатдан захарланиш ҳоллари учраб турибди, – дейди виллоят санитария-эпидемиология назорати маркази санитария бўлими мудири Абдурахмон Исмоилов. – Захарланишнинг оғир кечувчи тури ботулизм бўлиб, унда марказий асаб тизими шикастланади. Одатда касаллик тўсат-

дан бошланиб, бемор ҳолсизланади. Оғзи қуриб, кўз олди туманлашади. Бундай вақтда беморга тез тиббий ёрдам кўрсатилмаса, юрак фаолияти сустлашади, нафас олиши қийинлашиб, инсон ўлиши ҳам мумкин. Маълумотларга кўра, ботулизм таёқчасининг қаерда бўлиши номаълум, бироқ у ўзидан захарли токсин ажратади. Кўп ҳолларда у консерва тайёрлаш технологиясига амал қилмаслик оқибатида юзага келади. – Киш учун ёпиладиган мева ёки сабзавотлар уринган бўлса, тузлама-

ларга 10 фоиздан кам ош тузи қўшилса, ботулизм таёқчаси ривожланади, – дея сўзида давом этди Абдурахмон Исмоилов. – Бундан ташқари, уларни ҳаво айланиши яхши, иссиқ бўлмаган хонада сақлаш керак. Аксарият ҳолларда уй бекаларининг қопқоғи кўтарилиб қолган махсулотларни ҳам "ёса бўлаверади" деб ўйлашлари захарланишга олиб келади. Ботулизм билан оғирмаслик ўз қўлимизда. Бунинг учун уй шароитида консерва тайёрлаш технологиясини, балиқ ва колбаса махсулотларини дулланиб билимай туриб бу ишга қўл урмаган маъқул. Шунингдек, уларни истеъмол қилишда ҳам беъэтибор бўлмаслик лозим.

Ирода НОРБОВЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Огоҳлик

ЗАВҚИДАН ХАВФИ КУЧЛИ

Ҳаммамиз эриқиб кутаётган Янги йил байрамию ўқувчиларнинг қишки таътили бошланишига санокли кунлар қолди. Фарзандларимизни арча атрофида кечадиган саргузаштларга бой, бир-бирдан ажойиб байрам тадбирлари кутиб турибди...

Сир эмаски, бундай пайтларда пиротехника воситалари бозори ҳам анча қизийди. Ҳўш, завқидан хавфи кучли бу эрмакни кимлар қаердан олиб келиб сотишяпти? Уларни ўйламай-нетмай сотиб олаётганлар кимлар? Улар орасида ҳали она сутти оғиздан кетмаган болажонлар билан бирга гўёки фарзандларини хурсанд қилиш мақсадида дасталаб сотиб олиб берадиган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Афсуски, оқибати ўйлаб қўрилмаган бу орзу-хавасга сарфланган пуллар тоъ маънода ҳавога учadi. Учганда ҳам тинч эмас, кимидир қуйдириб, кимидир майиб-мажруҳ қилиб, ҳеч бўлмаганда кимингдир юрагини ериб учadi...

Фарзандларимиз бу хавфли пиротехника воситаларига оддий ўйинчоқ сифатида қарамоқда. Байрам дастурхони атрофида шоду хуррамлик билан

Янги йилни қаршилаётган кўплаб оилалар фарзандлари бир зумга кўчага чиқади-ю, пиротехника воситасини пақиллатиб, кимингдир қўзини бир умрга кўра, юзини таниб бўлмас даражада даҳшатли аҳволга келтириб қўяди. Афсуски, бундай фожиали оқибатлар хавфли буюмларни пуллаш ҳисобига даромад орттиришни кўзлаган кимсаларни заррача ташвишга солмаяпти. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ноқонуний йўллар билан даромад топиш мақсадида Янги йил арафасида юртимизга олиб кирилаётган бу матоҳлар тез ёнадиган моддалардан тай-

ёрланади ва уларнинг деярли барчаси ёнган чикшиш нуктаи назаридан ҳам хавфли буюмлар ҳисобланади. Шу сабаб улар бевосита одамлар ҳаёти ва соғлиғига, жамоат тартиби ва фуқароларнинг мол-мулкига жиддий зарар етказиб, бошқа турли фожиаларга сабаб бўлмоқда. Афсуски, ҳозирданок пиротехникалар қандайдир йўллар билан юртимизга олиб кириляпти ва бозорларда, кўча-кўйлардаги дўконларда сотиляпти. Айрим ота-оналар эса, тинимсиз огоҳлантиришларга қарамай, уларни харид қилиб, ўзларига ташвиш орттиришяпти. Айни кунларда юртимизда Янги йил байрами қизикли, осийишта ва мазмунли ўтиши учун кенг қўламада тайёргарлик қўриляпти. Виллоят божионачилари ҳам пиротехника воситалари юртимизга кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида зарур чораларни кўришмоқда. Бу жараёнга муносиб ҳисса қўиш эса барчамизнинг бурчимиздир. Хуришида НАЗАРОВА.

Одамийлик шеваси

Кийиниб, йўлга чиқай деб турувдим, кимдир қақриб қолди. Дарвозани очсам, улфат жўрам Абдуҳамид бойнинг тўнғич ўғли Абдуҳамид бой экан. – Ассалому алайкум, амаки. Соғ-омонмисиз, холам яхшимилар, ўртоғим ишлаб юрибдими? – Раҳмат, ўғлим. Дадаг тузукми? Шифохонада оиласи бағрига қайтиб, ўзига келиб қолгандир? – Ҳа, анча яхшилар. Шу шанба кунига "гап-га" улфат жўраларини хабарлаб юрибман. Ёриқ ёзда ўтказиб юбарақолайлик деилар. Қутилмаган хабардан саросимага тушиб қолдим. "Жўрам навбатидан олдин нега "гап" бермоқчи бўлди экан. Кўп вақт шифохонада ётиб, яқинда чиққанди-

ку, анчагина чиқимдор бўлди. Кўргани борганимизда: "Яна ётиб даволанишим керак вишланманг, амаки, – деди Абдуҳамид бойнинг бир-бирига ишқалаб. – Дадамнинг сиз жўралари билан бир соат яйраб ўтириши учун топган бор дунёимни сарфлашга тайёрман. Ҳеч хижолат бўлмай, бораверинглар, ўзим кутиб оламан. Абдуҳамид бошқа сўз демади, велосипедни учирганча, зумда катта йўлга чиқиб олади. Мен эса, бўғзимга нимадир тиклаганим сездим. Абдуҳамид бой билан 40 йиллик дўстимиз, орамиздан қил ўтмайди, ҳамдард, ҳамфикр жўраларимиз. Унинг ўзи каби мард, тантӣ, одамшаванда ўғли борибгига ҳавасим келди. Ичимда: "Ҳар бир отанинг шундай фарзанди бўлсин-да" деб қўйдим...

Собиржон ИНОМОВ.

ҲАВАС



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ	Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ	Маъналиямиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru	Қабулхона: Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар: Шартнома ва эълонлар: Ҳисоб-китоб бўлими:	Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). 233-12-83, 233-48-08. 233-56-03, 233-65-59. 233-54-10.	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида теризли ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Навбатчи Муқаддас ИСРОИЛОВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ
Хафатининг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.						
Буюртма S-1623. Адади 7632. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қороз бичими А-2.						
ISSN 2010-9318.						